
МИНИ ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Риштон тумани муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг жисмоний тарбия ва оммавий спортга қизиқтириш орқали меҳнат фаолияти самарадорлигини ошириш, турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи орқали муҳофаза қилиш мақсадида таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Риштон туман Кенгаши, туман Халқ таълими бўлими, туман Мактабгача таълим ташкилотлари томонидан “Спорт – саломатлик гарови” шиори остида мини футбол мусобақаси ўтказилди. Мусобақада таълим муассасаларида фаолият юритаётган ходимлар иштирок этишди.

Аввалига жамоалар минтақаларга бўлинган ҳолда курашга киришган эди. Бугун эса финал босқичи баҳслари бўлиб ўтди. Унга кўра, 60-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси мусобақа ғолиби бўлди. Иккинчи ўрин 42-умумий ўрта таълим мактаби жамоасига насиб этди. Учинчи ўринни эса 2-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси қўлга киритди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

2022-03-18 17:30:45